



ЎЗБЕКИСТОНДА ВАКОЛАТЛИ ИҚТИСОДИЙ ОПЕРАТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кучаров Аброр Собиржонович,

профессор, и.ф.д.,

Тошкент давлат иқтисодий университет,

Хабибов Рустам Изатуллаевич,

Божхона институти бошлиғи в.в.б.,

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси

Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) иштирокчиси ва божхона хизмати ўзаро ишонч ва ҳамкорликда ишлай оладими? Бу савол бугунги кунда Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) экспертлари ҳамда божхона хизматларини қизиқтираётган ва унинг йўллари излаётганлар учун долзарб ҳисобланади.

Бир қарашда улар бир-бирига тескари: ТИФ иштирокчиси камхарж, кўп даромадли бўлишни, юклари чегарадан тўсиқсиз ҳаракатланиши, расмийлаштириш жараёни ва ҳужжатлар кам ва вақт олмаслигини истади; божхона эса улар божхона қонунчилигига риоя қилишини, божхона тўловларини тўлиқ тўлашларини, барча юкларнинг ҳисоби ва назорати бўлишини талаб қилади. Улар юк ва транспорт воситалари чегарадан тез ва қулай ўтиши учун биргаликда ҳаракат қилади оладими?

Экспертлар уларни “хавфсизлик” калит сўзи бир нуқтада бирлаштириши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Демак, жўнатувчидан то манзилига қадар юк хавфсиз етказиб берилса, ТИФ иштирокчиси ҳам, божхона хизмати ҳам манфаатдор бўлади.

Одатга кўра, божхона хизматлари ТИФ иштирокчилари юкларини чегарадан олиб ўтиши жараёнига “шубҳа” билан қарайдилар, бу табиий, чунки божхона хизмати учун божхона тўлови ва қонунбузарлигини аниқлаш муҳим вазифа, халқаро норма ва божхона қонунчилигида чегарадан ўтаётган барча юклар назорат қилиниши шартлиги белгилаб қўйилган.

Божхона тўловларидан қочиш мақсадида, товарнинг қиймати ва ҳажмини пасайтириб декларациялаш, товарларнинг ТИФ ТН кодини ўзгартириш, ставкаси паст бошқа товарларга алмаштириб олиб киришга уриниш божхона қонунчилиги бузилишининг энг кўп учрайдиган ҳолатлари ҳисобланади.

Божхона хизматлари ТИФ иштирокчилари учун “сезиларсиз” бўлишлари, юклар чегарадан “тез” ва “камхараж” ҳаракатланиши учун халқаро стандарт ва халқаро эътироф этилган усул ва тажрибаларни кенг қўллайдилар.



Бунга мисол сифатида, хавфларни бошқариш (хавфни аниқ мўлжалга олган ҳолда катта ҳажм ичидан аниқлаб олиш), масофавий расмийлаштириш, мантиқий назорат, божхона расмийлаштируви жараёнини рақамлаштириш, божхона кўригини техник воситаларни кенг қўллаган ҳолда амалга ошириш, юк чиқарилганидан кейинги назорат, дастлабки маълумот асосида расмийлаштириш ёки қарор қабул қилиш, “ягона дарча” платформаси каби усуллари мисол қилиб келтириш мумкин ва шубҳасиз улар бугунги кунда ўзининг самарасини бермоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда божхона расмийлаштируви учун ажратилган регламент йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Масалан, чегарадан ўтишда 15 дақиқа белгиланган, шундан 10 дақиқаси бевосита божхона мақсадларига, қолган 5 дақиқа бошқа функцияларга ажратилган (чегара, ветеринар, фитосанитар, карантин, санэпид).

ЖБТ ва ЖСТ экспертлари келтираётган тезисга кўра, божхона учун бундай мураккаб шароитда, қуйидаги ёндашув тавсия этилади: “божхона хизматлари дуч келиши мумкин бўлган хавфлар даражаси камайиши, ТИФ иштирокчилари юкларини хавфсиз етказиб бериш бўйича кўраётган чораларига қанчалик ишонч билан қараш жаражасига боғлиқ. Хавфлар камайган жойда хавфсизлик пайдо бўлади, соддалаштириш ва енгилликлар бериш учун имконият яратилади”.

ЖБТ ўзининг “SAFE ҳадли стандартлари”да (2005й) “Божхона-Бизнес” ўзаро ишончга асосланган яқин ҳамкорлик формати – ваколатли иқтисодий операторларни (ВИО) тавсия этди.

ВИО – товар ёки транспорт воситаси эгаси ёки унга ваколатга эга бўлган, қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб берувчи, божхона операцияларни амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланадиган юридик шахс**Ошибка! Источник ссылки не найден.** Оператор божхона реестрга киритилган вақтдан бошлаб, хавф даражаси паст бўлган тоифага киради. Дастлабки минимал маълумотлар тақдим этиш, соддалаштирилган процедураларда, аммо божхона қонунчилиги шартларини тўлиқ бажариш мажбуриятини олган ҳолда юкларни чегарадан олиб ўтиш имконига эга.

Божхона қонунчилигига риоя қилинишини таъминлашда божхона ва бизнес ўртасида кўприк ва ишончли ҳамкор вазифасини ўтайди. Қанча ҳалол ва ишончли фаолият олиб борса, улар учун божхона тартиб-таомилларида шунча енгиллашади, божхона ва бизнес ўртасида яқин ҳамкорлик юзага келади, пировардида, тадбиркор учун юклари божхона туриб қолмаслиги олди олинади, божхона учун қонубузарлик камайиши, юклар хавфсизлиги, божхона тўловлари тўлиқ ундирилиши таъминланади. Улар қанча қонунга итоат этган ҳолда тижорат фаолият олиб боришлари ўсиб борса, божхона маъмурияти улар фаолиятига аралашуви ҳам шунча даражада пасайиб боради.



АҚШда 11500 та, Хитойда 3200 та, Германияда 5614 та, Канадада 1500 та, Нидерландда 1440 та, Буюк Британияда 610 та, Жанубий Корея ва Японияда 500 тадан, Россияда 218 та, Белоруссияда 323 та, Қозоғистонда 90 та ВАО фаолият олиб боради. Ўзбекистонда халқаро стандартларга мувофиқ 2019 йил 1 февралдан “ишончли” ТИФ иштирокчилари учун ВАО институтига асос солинди. 2019 йил декабрда махсус соддалаштиришлар рўйхати ҳамда танлаш мезонлари ишлаб чиқилди. ВАОларга муайян табақалаштирилган шартлар асосида 3 турдаги гувоҳнома берилади.

Мамлакатимизда ВАО сони 50 тани ташкил этади. 2020 йил августда реестрга 25 та бўлган бўлса, 2022 йил 1-чорагида 9 тага кўпайган.

2019-2021 йилларда ВАОлар 1600 та операцияда 157 млрд. сўмдан зиёд божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб тўлаш имконига эга бўлишган. Ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё ва товарларни божхона омборига туширмасдан туриб, ўз омборларига тўғридан-тўғри тушириш имкониятидан 7 минг мартадан ортиқ фойдаланишган.

ВАОлар ишлаб чиқарувчилар, импортерлар, экспортёрлар, брокерлар, ташувчилар, савдо агентлари, омбор эгалари, дистрибьютерлар ва бошқа ТИФда иштирок этувчи шахслар бўлиши мумкин. Мамлакатимизда 2019 йилда мақомни товарлар экспорт ва импортини амалга оширувчи ТИФ қатнашчилари олган бўлсалар, 2020 йил августдан рўйхат кенгайтирилиб, унга божхона омбори эгалари, божхона брокерлари ҳамда божхона ташувчилари киритилган.

Шу билан бирга, ВАО фаолиятини ривожланиш бўйича айрим салбий фикрлар ҳам мавжуд. Масалан:

- махсус соддалаштиришлар божхона назоратининг сусайишига олиб келиши мумкинлиги;
- ТИФ иштирокчилари ҳисобот электрон тизимининг дахлсизлигига салбий таъсир этилиши;
- ВАОлар орқасида ноҳалол фаолият олиб боровчиларнинг ҳам учраб туриши.

Бизнинг фикримизча, божхона назорати самарадорлиги пасаймайди, аксинча, ТИФ иштирокчилари ортиқча бюрократик назоратдан халос бўлади.

Хавфни бошқариш тизимида назорат чораси мавжуд бўлса, ВАОларнинг товарларига нисбатан божхона назорати шакллари қўлланилади. Ҳуқуқбузарлик содир этганлар хавфнинг юқори даражасига ўтади. Товарлари божхона назорати остида бўлиш муддати тугаган пайтдан эътиборан 3 йил давомида камерал ёки сайёр ўтказиладиган божхона аудити объекти ҳисобланади. Хорижий тажрибага кўра, жиддий қонунбузарликлар содир этганлар, назорат органлари эътиборидаги объектга айланади.



Айрим мамлакатларда ҳатто талабгорнинг хорижий контрагентлари молиявий “ишончлилиги”ни ҳам текшириш йўлга қўйилган. Ёки унинг молиявий барқарорлиги сўнгги 3 йиллик бухгалтерлик ҳисоботлари кўрсаткичлари асосида ташқаридан аудиторлик ташкилоти томонидан ҳолис ўрганилади.

Мамлакатимизда ВАОлар амалиёти ёш ва ривожланиш жараёнида. Унинг ривожланишини таъминловчи чора-тадбирлар етарли даражада белгиланганмаган. Масалан, ВАОларни бошқа давлатлар ўзаро тан олиши суғ даражада қолса, келгусида уларга рақобатда жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Фақат санокли монопол шахслар рақобатсиз фаолият юритишларига имконият яратиб, кичик бизнес йўлини тўсиб қўйиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги таклифлар киритилади:

1. ВАОлар фаолияти етарли даражада ўрганилмайди. ВАО сифатида ёки умумий асосида ТИФ иширокчиси бўлиб фаолият юритиш афзалликлари солиштирма таҳлил қилинмаган.

2. ВАО шартлари қанчалик қулайлиги, мақомни олишга рад этиш сабаблари, Ўзбекистонда берилган мақом қайси давлатлар томонидан тан олинганлиги ўрганилмаган.

3. ВАОлар амалиётга киритилгач, божхона тўловлари улар томонидан тўлаш ошганганми, юклар ҳаракати фаоллашганми, чегарадан ўтиш вақти, божхона текшируви қисқарганми, ТИФ иштирокчиси фаолиятини текшириш камайганми, божхона қонунбузарлиги даражаси пасайганми, махсус соддалаштиришлардан тўлиқ фойдаланиш имкони мавжудми, божхонадан координатор ишидан қониқиш ҳосил қилинмоқдами каби саволлар очиқ қолмоқда.

4. ВАОлар ТИФ иштирокчиси тури кесимида, масалан, божхона брокери, ташувчи, улгуржи сотувчи, омбор эгаси, ишлаб чиқарувчи, экспортёр, импортёр фаолияти ўрганилмаган.

5. Махсус соддалаштиришлар ва реестрга киритиш мезон шартларини хавфни бошқариш тизими таҳлиliga боғлаган ҳолда қайта кўриб чиқилиши керак.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, айтишимиз мумкинки, божхона қонунбузарликларини қисқартиришда самарали усуллардан бири, қонунга итоат қилишини намоён этаётган ТИФ иштирокчиларини рағбатлантириш ва бу орқали ҳалол тадбиркорлар доирасини кенгайтириш ҳисобланади.

ВАОлар божхона назорати самарадорлиги пасайиши эмас, аксинча юкларни божхона чегарасидан олиб ўтишда ортиқча ва такрорланадиган бюрократик назоратни қисқаритишга уриниш, халқаро стандартларга божхона қонунчилигини яқинлаштириш нуқтаи назаридан ҳам ижобий жиҳатларга эга институтдир.

ВАОни мамлакатимизда кенг жорий этиш борасида тизимли иш олиб бориш зарур. Таклифлар амалга ошиши ВАОлар институти фаолиятини истиқболда янада такомиллаштиришга хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sobirovna, Dilorom Kosimova, and Adashev Azimjon O'rinboyevich. "Directions for increasing product competitiveness in industrial enterprises." Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 8.7 (2019): 29-35.
2. Tajibayev, Imalatdin. "MENEJMENT NAZARIYASINI O'RGANISH VA TAHLIL." Oriental Art and Culture 3.2 (2022): 324-331.
3. Ishmanova, D. N. "PARAMETERS FOR ASSESSING THE COMPETITIVENESS OF THE OIL AND GAS INDUSTRY." International journal of conference series on education and social sciences (Online). Vol. 2. No. 1. 2022.
4. Banking, Islamic. "Conflict of Laws in the European Community, D Lasok & P A Stone, 460 pp., Abing-don, Oxon., Professional Books Ltd., 1987, £ 26.50 p. Civil Jurisdiction and Enforcement of Foreign Judgments, Peter Kaye, 1,949 pp., Abing-don, Oxon., Professional Books Ltd., 1987, £ 95. The Charter of the Islamic Conference, Hasan Moinuddin, 322 pp., Oxford, Clarendon."
5. Kucharov, Abrorzhon S., Elvira A. Kamalova, and Dinora Nurmamad. "7 State Regulation of Competitive Relations." New Institutions for Socio-Economic Development: The Change of Paradigm from Rationality and Stability to Responsibility and Dynamism 5 (2021): 63.
6. Хўжаев, Фазлиддин Элмуродович. "БУХОРО ВИЛОЯТИДА МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ." Иқтисодийда инновация 10.3 (2020).
7. Маҳмудова, Нозимахон Баҳриддинхонова. "ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ МОҲИЯТИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИЛИШИ." EDITORIAL BOARD (2022): 182.
8. Абдуллаева, М. (2020). Теоретические аспекты определения, развития цифровой экономики и её зарождение в Республике Узбекистан. in Library, 20(3), 21–27. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/8759>

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф.Б.Шакирова,

Доцент,

Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация. Ушбу мақолада инновацион фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорликни ривожлантиришда солиқларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Республикамизда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари кам ўрганилган. Шунинг таъкидлаш жоизки, "инновация" тушунчаси XX асрнинг 30-йилларида